

The Formation of Uzbek-Language Broadcasting in Tajikistan Radio and Its Role in Covering Uzbekistan–Tajikistan Relations

Rasulova Durдона Asliddinovna

Master’s Student, Journalism Department National University of Uzbekistan

Abstract:

This article examines the formation, development stages, and current significance of Uzbek-language broadcasting within the radio space of Tajikistan. In particular, the role of Uzbek-language programs of “Ovozi Tojik” radio in covering political, cultural, and humanitarian relations between Uzbekistan and Tajikistan is analyzed. The study also highlights how these broadcasts contribute to promoting interethnic harmony, cultural closeness, and shared values. The findings indicate that Uzbek-language radio programs function not only as a means of information dissemination but also as an important communication platform that fosters ethnocultural integration and regional cooperation.

Keywords:

Tajikistan radio, Uzbek-language broadcasting, Ovozi Tojik, mass media, media space, interethnic relations, cultural ties, radio journalism, information policy, Central Asia

**Тоҷикистон радиосида ўзбек тилидаги эшиттиришларнинг
шаклланиши ва уларнинг Ўзбекистон–Тоҷикистон муносабатларини
ёритишдаги ўрни**

Дурдона Расулова,

Ўзбекистон Миллий университети

Журналистика ва ўзбек филологияси факультети 2-курс магистранти

Аннотация

Мазкур мақолада Тожикистон радиомаконида ўзбек тилидаги эшиттиришларнинг шаклланиш жараёни, уларнинг ривожланиш босқичлари ва замонавий ахборот муҳитидаги ўрни таҳлил қилинади. Хусусан, “Овози тожик” радиосининг ўзбек хизмати мисолида икки давлат — Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги сиёсий, маданий ва гуманитар алоқаларни ёритишда радиоэшиттиришларнинг роли ўрганилади. Шунингдек, мазкур дастурлар орқали миллатлараро дўстлик, маданий яқинлик ва умумий қадриятларни тарғиб этиш масалалари илмий асосда ёритилади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ўзбек тилидаги радиодастурлар нафақат ахборот тарқатиш воситаси, балки этномаданий уйғунликни таъминловчи муҳим коммуникацион платформа сифатида намоён бўлади.

Калит сўзлар:

Тожикистон радиоси, ўзбек тилидаги эшиттиришлар, Овози тожик, оммавий ахборот воситалари, медиа макон, миллатлараро муносабатлар, маданий алоқалар, радиожурналистика, ахборот сиёсати, Марказий Осиё

Кириш. Ўзбек ва тожик халқларини азал-азалдан қон-қардошлик, дўстлик, ҳамжихатлик ришталари боғлаб туради. Ер юзиде тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналари бир-бирига бу қадар яқин бўлган халқларни учратиш қийин. Бу яқинликни улуғ аждодларимиз Мир Алишер Навоий ва Абдуррахмон Жомий ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳам тасдиқлаб турибди.

Навоий ҳазратлари ўз устозларини,

Сўз гулшанининг шукуфта варди,

Илм оятининг варақ наварди,

–деб таърифлаган бўлсалар, мавлоно Жомий улуғ бобомиз ҳақида:

Агар ў турк буд-у ман тожик,

Ҳар ду доштем хешии наздик

-яъни у туркий, мен эса, тожик бўлсам-да, ҳар иккимиз яқин қариндошдекмиз, дея эътироф этганлар.

Ўзбек ва тожик халқларидан етишиб чиққан буюк алломалар, мутафаккирлар жаҳон цивилизациясига катта ҳисса қўшиб келишган. Бугун халқларимиз Спитамен, Исмоил Сомоний, Жалолоддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари жасур саркардалари билан, Абу Али ибн Сино, Абу Абдуллоҳ Рўдакий, Жалолоддин Румий, Носир Хисрав, Камол Хўжандий, Бобораҳим Машраб, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Аҳмад Дониш, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Садриддин Айний, Мирзо Турсунзода, Ғафур Ғулом сингари шоиру фозиллари билан ҳақли равишда фахрланади.

Халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик ва ҳамжихатлик маданият ва санъат соҳасида ҳам ривожланиб келган. Хусусан, ўзбек ва тожик халқларининг муштарак мероси бўлган “Шашмоқом” бугунги кунда бутунжаҳон номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКО рўйхатидан жой олган.

Марказий Осиё минтақасида кинематографиянинг тараққий этишида ҳам халқларимизнинг етук маърифатпарвар вакиллари катта ҳисса қўшишган. Эътиборли жиҳати, ўзбек ва тожик кинематографияси ривожини бир-биридан айро ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки, миллий киномиз дарғалари ҳам ҳар жиҳатдан бир-бирига кўмаклашиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб келган. Ўзбек киносининг атоқли устозларидан бири Комил Ёрматов Тожикистонда, Конибодомда туғилиб ўсган бўлса, тожик киносининг Борис Кимёгаров, Анвар Тўраев, Самариддин Саъдиев сингари машҳур арбоблари Самарқандда таваллуд топишган.

Бугун Тожикистон киноусталари томонидан яратилган кўплаб бадиий фильмлар ўзбек томошабинлар қалбидан чуқур жой олган. Улар қаторида “Суғдиёна кизлари”, “Ҳасан аравакаш”, “Рустам ва Сухроб”, “Сиёвуш ҳақида

қисса”, “Темирчи Кова”, “Мен бир қизни учратдим” сингари фильмларнинг алоҳида ўрни бор. Жаҳон киносининг бебаҳо дурдонлари қаторидан ўрин олган “Шаҳризоданинг янги эртаклари” бадийий фильмида Улуғбек Музаффаров, Убайдулла Омон, Дилором Қамбарова сингари ўзбек актёр ва актрисаларини кўришимиз мумкин. Ёхуд “Тожиқфильм” студиясида Рашид Маликов суратга олган “Ғаройиб саргузашт” фильмида ўзбек киносининг таниқли вакиллари Хусан Шарипов, Баҳром Матчонов яратган қаҳрамонлар ҳар қандай томошабинга завқ-шавқ улаша олган.

Ўз навбатида, ўзбек фильмларида тожик актёрлари ҳам ёрқин образларни яратиб қолдиришган. Жумладан Тожиқистон халқ артистлари – Сайрам Исаева Майсара, Нодирабегим сингари образлари билан ўзбек киномухлисларини мафтун қилган бўлса, Ато Муҳаммаджонов Имом ал-Бухорий образини тўлақонли гавдалантира олган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин.

Асосий қисм. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Тожиқистон ўртасидаги дўстона муносабатлар янада мустаҳкамланиб бормоқда. Бу борада муҳтарам президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев ҳамда Тожиқистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг расмий доирасида учрашувлари, икки томонлама имзоланган ҳужжатлар муҳим ўрин тутмоқда. Сўнгги беш йилга яқин вақт мобаайнида икки давлат чегараларининг очилиши, мавжуд масалаларнинг дўстона ҳал қилиниши, икки томонлама алоқаларнинг янада ривожланишини кинематография соҳасидаги ҳамкорлик учун ҳам мустаҳкмм замин ҳозирлади. 2018 йил 15-17 сентябрда Тожиқистонда ўтказилган ўзбек киноси кунлари ҳам ана шу ҳамкорликнинг самараси бўлди дейиш мумкин.

Айни кунларда ўзбек ва тожик киноусталари томонидан халқларимизнинг икки буюк вакили Абдурахмон Жомий ва Мир Алишер навоий дўстлиги ҳақидаги “Юлдузлар шуъласи: Жомий ва Навоий” бадиий фильми суратга олинмоқда.

Бугун Ўзбекистонда тожик тилида сўзлашувчи аҳоли вакиллари учун алоҳида мактаблар фаолият кўрсатади. Тожик тилида ҳар йили юз минглаб нусхада дарсликлар чоп этилади. Бу тилда матбуот нашрлари, марказий ва ҳудудий газета-журналлар чоп этилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муассислигида “Овози тожик” газетаси чоп этилади. Республика ва вилоятларда тожик миллий маданият марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Ўз навбатида Тожикистонда ҳам ўзбек тилида фаолият кўрсатувчи ўнлаб мактаблар мавжуд. Тожикистон Республикаси ҳукуматининг ўзбек тилидаги “Халқ овози” газетаси 1934 йилдан бери чоп этиб келинади.

Тожикистон Республикаси кўпмиллатли давлат ҳисобланиб, унинг аҳолиси таркибида ўзбеклар энг йирик этник озчиликлардан бири сифатида муҳим ўрин эгаллайди. Демографик тадқиқотлар ва халқаро статистик манбаларга кўра, мамлакат аҳолиси таркибида ўзбекларнинг улуши тахминан 12–15 фоиз атрофида баҳоланади. Айрим манбаларда бу кўрсаткич 13 фоизга яқин деб келтирилса, тарихий демографик маълумотларда уларнинг улуши баъзи даврларда 15 фоиздан ҳам юқори бўлгани қайд этилади¹.

Бироқ айрим тадқиқотчилар ва экспертлар фикрига кўра, Тожикистондаги ўзбек аҳолисининг ҳақиқий сони расмий статистик кўрсаткичларда акс эттирилган рақамларга нисбатан юқорироқ бўлиши мумкин. Бу ҳолат демографик ҳисоботларни юритишда қўлланиладиган методологик ёндашувлар, аҳолининг этник ўзлигини қайд этиш тамойиллари, шунингдек, рўйхатдан ўтиш

¹ Minority Rights Group International. Uzbeks in Tajikistan // <https://minorityrights.org/communities/uzbeks-3/>

жараёнидаги субъектив омиллар билан изоҳланади. Хусусан, аҳоли рўйхатлари ва расмий статистикада этник мансублик фуқароларнинг ўз-ўзини идентификация қилиши асосида белгиланиши, айрим ҳолатларда реал демографик ҳолат билан статистик кўрсаткичлар ўртасида фарқлар юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Ўзбек аҳолиси асосан Тожикистоннинг шимолий ва ғарбий ҳудудларида зич жойлашган. Жумладан, Суғд вилоятида (Хужанд, Исфара, Панжакент, Бобожон Ғафуров туманлари), шунингдек, Ҳисор водийси, Душанбе атрофи, Кўлоб ва Бохтар ҳудудларида улар салмоқли улушни ташкил этади. Ушбу ҳудудлар тарихан Ўзбекистон билан чегарадош бўлгани сабабли бу ерларда этник ва маданий алоқалар табиий равишда шаклланган ва барқарор сақланиб қолган².

Ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қаралганда, Тожикистондаги ўзбеклар жамиятнинг турли соҳаларида фаол иштирок этади. Улар асосан қишлоқ хўжалиги, савдо, хизмат кўрсатиш, таълим ва маданият соҳаларида банд бўлиб, мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Шу билан бирга, зиёлилар қатлами, педагоглар, ижодкорлар ва давлат хизматчилари ҳам этник гуруҳнинг ижтимоий таркибида муҳим ўрин тутаяди.

Тожикистондаги ўзбеклар орасида этномаданий муҳит маълум даражада сақланиб қолган бўлиб, айрим ҳудудларда ўзбек тилида таълим бериладиган муассасалар, маданий марказлар ва оммавий коммуникация воситалари фаолият юритади. Бу ҳолат этник ўзликни сақлаш ҳамда маданий алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади.

Умуман олганда, хулоса шуни кўрсатадики, Тожикистон радиосида ўзбек тилидаги эшиттиришларнинг шаклланиши бир вақтнинг ўзида сиёсий, ижтимоий, демографик ва медиа омиллар таъсирида юзага келган мураккаб ва кўп қиррали

² WorldAtlas. Ethnic Composition of the Population of Tajikistan // <https://www.worldatlas.com/articles/ethnic-composition-of-the-population-of-tajikistan.html>

жараён бўлиб, у босқичма-босқич ривожланиб борган. Бу жараёнда давлатнинг ахборот сиёсати, жамиятдаги этник таркиб ва аудитория эҳтиёжлари билан бир қаторда, радионинг техник имкониятлари ва ижодий салоҳияти ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этган.

Бундан ташқари, мазкур эшиттиришлар Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги тарихий, маданий ва тил бирлигига асосланган алоқаларни янада мустаҳкамлашга ҳам ҳисса қўшган. Радио эфирлари орқали икки халқ ўртасидаги маънавий яқинлик кучайгани, умумий маданий қадриятлар кенг тарғиб этилгани алоҳида аҳамиятга эга.

Шу тариқа, Тожикистон радиосида ўзбек тилидаги эшиттиришлар фақат ахборот тарқатиш воситаси эмас, балки минтақа миқёсида маданий мулоқотни кучайтирувчи, этномаданий уйғунликни таъминловчи ва ахборот алмашинувини ривожлантирувчи муҳим омил сифатида шаклланишини кўриш мумкин.

Бу борада “Овози тожик” радиосининг ўзбек хизмати алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатларининг ёритилиши “Овози тожик” радиоси учун доимий мавзулардан бири бўлиб, бу мавзуга эътибор 2016-йилдан бошлаб янада кучайган. Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичга кўтарилиши 2016 йилдан бошлаб икки давлат раҳбарлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг сиёсий иродаси ҳамда конструктив мулоқоти билан бевосита боғлиқдир³. Мазкур давр икки давлат ўртасидаги муносабатларда яқинлашув, ишонч ва прагматик ҳамкорликнинг кучайиши билан характерланади.

³ Emomali Rahmon. Официальные выступления и обращения. – Официальный сайт Президента Республики Таджикистан. Электрон манба: <https://www.president.tj/ru/node>

Хусусан, 2017 йилдан бошлаб олий даражадаги ўзаро давлат ташрифлари фаоллашди, икки томонлама учрашувларда чегара масалалари, транспорт-логистика йўлаклари, энергетика ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича муҳим келишувлар эришилди⁴. Натижада, узок йиллар давомида чекланган ҳолатда бўлган чегара пунктларининг қайта очилиши минтақавий интеграция жараёнларига янги суръат берди.

Айнан шу сиёсий ўзгаришлар шароитида “Овози тожик” радиоси ўз эфир сиёсатини ҳам мослаштириб, Ўзбекистон билан боғлиқ мавзуларни тизимли равишда кенг ёритишга алоҳида эътибор қаратди. Радиоэшиттиришларда икки давлат ўртасидаги дўстлик, тарихий яқинлик ва стратегик шериклик масалалари таҳлилий ва ахборот жанрлари орқали ёритилди.

Мазкур жараёнда “Овози тожик” радиосининг ўзбек тилидаги дастурлари ҳам муҳим ўрин тута бошлади. Ушбу эшиттиришлар орқали Ўзбекистондаги воқеалар, икки мамлакат ўртасидаги кўшма ташаббуслар ва маданий алоқалар кенг тингловчи аудиториясига етказилди. Бу эса радионинг минтақавий ахборот маконида кўприк вазифасини бажарувчи оммавий коммуникация воситаси сифатидаги ролини янада мустаҳкамлади.

Адабиётларда қайд этилишича, икки давлат раҳбарлари ташаббуси билан йўлга қўйилган очиқ мулоқот сиёсати Марказий Осиёда янги сиёсий муҳитни шакллантириб, оммавий ахборот воситалари, жумладан радио соҳаси фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Йиллар давомида «Дўстлик», «Пайванд», «Тожикистон ва жаҳон» каби бир қатор дастурлар тайёрланиб, эфирга узатилган.

⁴ Shavkat Mirziyoyev. Расмий нутқлар ва чиқишлар. – Ўзбекистон Республикаси Президенти расмий веб-сайти. Электрон манба: <https://president.uz/uz/lists/category/5>

Ўзбекистон ва Тожикистон алоқалари нафақат “Овози тожик” радиосининг тожик ва ўзбек бўлимларида, балки унинг рус, инглиз, араб, форс, дарий ва ҳинд тилларидаги дастурларида ҳам ёритилади. Бундай дастурлар сони 2016 йилдан янада ошган.

Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа масъул идоралар билан бир қаторда оммавий ахборот воситалари ҳам давлатлараро муносабатларга таъсир кўрсатиш имкониятига эга. Хусусан, радио давлатлар ва миллатлар ўртасидаги дўстликни тарғиб этишда муҳим рол ўйнаши мумкин.

Тожикистонда 30 дан ортиқ давлат ва хусусий радиотармоқлар фаолият юритади ва улар орасида “Овози тожик” радиоси халқаро характерга эга.

“Овози тожик” радиосининг асосий бўлимларидан бири бўлган чет элга мўлжалланган дастурлар бошқармаси 1949-йил 16-октябрда Тожикистон радиоси таркибида “академик Бобожон Ғафуров ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, ўша даврда фақат форс ва дарий тилларида эфирга чиқарди”⁵. Кейинчалик форс, дарий, инглиз ва араб тилларида ҳам дастурлар эфирга узатила бошланди.

Тожикистон Республикасининг замонавий ташқи сиёсатидаги асосий йўналишларидан бири — Ўзбекистон Республикаси билан муносабатларни кенгайтиришдир. Тадқиқотчи И. Усмоновнинг фикрича, ҳар бир давлатнинг ташқи сиёсати асосан уч мезонда амалга ошади ва “икки давлат ўртасидаги муносабатлар”⁶ шуларнинг энг асосийларидан биридир. Тожикистон ташқи муносабатларида ушбу уч мезондан фаол фойдаланади, айниқса Ўзбекистон Республикаси билан муносабатларда.

Шу билан бирга, Тожикистон Ўзбекистон билан муносабатларни минтақавий ташкилотлар — жумладан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Мустақил Давлатлар

⁵ Саидзода Марзия «Овози тожик» отпразднует 65-летие. С.29

⁶ Усмонов, И. К. Воситаҳои ахбори омма ва сиёсати хориҷии Ҷумҳурии Тоҷикистон / И.К. Усмонов. – Душанбе, 2003. – .23.

Ҳамдўстлиги доирасида ўзаро ҳурмат, умумий манфаатлар, икки ва кўп томонлама битимларга риоя қилиш, иқтисодий, маданий ва гуманитар ҳамкорликни мустаҳкамлаш, минтақа умумий муаммоларини биргаликда ҳал этишга интилиш асосида ривожлантиради. Хусусан, “Халқаро Оролни қутқариш фонди ва минтақавий иқтисодий ҳамкорлик жараёни” мазкур йўналишдаги Тожикистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади⁷.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар 1992 йил 22 октябрдан бошлаб ўрнатилди. Ўзбек ва тожик халқларининг тарихан шаклланган муносабатлари, иқтисодий ривожланиш истиқболлари, икки мамлакатнинг географик ўрни ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурати, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг ўзаро муносабатларни кенгайтиришга интилишларини кучайтирди⁸.

2016 йилдан буён Ўзбекистон ва Тожикистон президентларининг икки мамлакатга амалга оширган ташрифлари кўпайгани, икки давлат муносабатларининг изчил равишда ривожланаётганидан далолат беради. 2024-йил 18–19 апрел кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга давлат ташрифи Ўзбекистон ва Тожикистоннинг кўп қиррали муносабатларини ривожлантиришда янги саҳифа очди.

“Ушбу ташриф доирасида икки давлат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш учун турли соҳаларда 28 та ҳамкорлик битими, жумладан 6 та келишув — Тожикистон Республикасининг Хатлон ва Суғд вилоятлари ҳокимиятининг Ўзбекистон Республикасининг Хоразм, Фарғона, Сирдарё,

⁷ 25 қадам дар паҳнои олам. – Душанбе: Ирфон, 2016. – С.58.

⁸ Министерство иностранных дел Республики Таджикистан. Дипломатические отношения Республики Таджикистан с зарубежными государствами [Электрон ресурс]. – Кириш режими: <https://mfa.tj>

Наманган ва Андижон вилоятлари билан ҳамкорлигига оид келишувлар имзоланди”⁹.

Кучайиб бораётган ўзаро муносабатларни ёритиш баробарида, оммавий ахборот воситалари миллатлар ва давлатлар муносабатига таъсирчан кучига эга. “Овози тожик” радиосининг ушбу йўналишда қандай ишларни амалга оширганини аниқлаш мақсадида унинг дастурларини тадқиқ қилиш зарурати пайдо бўлди.

“Овози тожик” радиоси материалларини таҳлил қилиш жараёнида маълум бўлдики, икки давлат ўртасидаги муносабатларга оид ахборот аввало хабар бўлимларида эфирга узатилади ва кейин таҳлилий дастурларда шарҳланади ҳамда изоҳланади.

“Овози тожик” радиосининг тожик ва ўзбек бўлими муаллифлари Тошкент ва Ўзбекистон ҳамкорлигини таҳлил қилиш жараёнида тарихий умумийликлар, тожик ва ўзбек халқларининг маданий ўхшашликлари, шунингдек, икки халқнинг анъаналари ва дўстлигини ҳисобга олиб, тингловчиларига бир-бирларига ҳурмат кўрсатиш ва яхши муносабатларни мустаҳкамлашни доимо тарғиб қиладилар. Шунингдек, дастур муаллифлари ва интервью берувчилар миллатлар дўстлигига алоҳида эътибор қаратиб, янги авлодга тожик ва ўзбекларнинг яхши анъаналари ва меҳмондўстлик маданиятини сақлашни таъкидлайдилар. Мазкур мисолда “Овози тожик” радиосининг тожик ва ўзбек бўлимлари фаолияти орқали икки халқ ўртасидаги муносабатларни ёритишда медиа воситанинг тарбиявий ва ижтимоий функцияси яққол намоён бўлади. Дастур муаллифлари Тошкент ва Душанбе ўртасидаги ҳамкорликни таҳлил қилиш жараёнида тарихий

⁹ Саидзода Марзия, АМИТ «Ховар» Арзҳои дўстӣ. Ўзбекистон- шарикӣ стратегӣ ва ҳампаймони боэътимоди Тоҷикистон [Манбаи электронӣ] – URL:<https://jumhuriyat.tj/bahsho/3346-arzoi-dst-zbekiston-shariki-strateg-va-ampajmoni-bojetimodi-toikiston.html>

умумийликлар ва маданий ўхшашликларга таянади, бу эса икки халқни яқинлаштирувчи асосий омил сифатида кўрсатилади.

Таҳлилдан кўриниб турибдики, радиодастурларда фақат ахборот бериш эмас, балки аудиторияда ўзаро ҳурмат, дўстлик ва бағрикенглик каби қадриятларни шакллантириш мақсади устувор ҳисобланади. Муаллифлар ва суҳбатдошлар томонидан миллатлар дўстлигига алоҳида урғу берилиши, медиа маконнинг ижтимоий интеграция жараёнидаги муҳим восита эканини кўрсатади.

Шунингдек, янги авлодга миллий анъаналар ва меҳмондўстлик маданиятини етказиш масаласи кўтарилиши, ушбу дастурларнинг фақат ахборот эмас, балки маданий-тарбиявий вазифага ҳам эга эканини аниқлатади. Бу эса оммавий ахборот воситаларининг жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги роли юқори эканини тасдиқлайди. Шунингдек, икки халқ ўртасидаги муносабатлар Марказий Осиё халқлари тарихий алоқалари контекстида ҳам кўриб чиқилади. Шу борада олим Бобожон Ғафуров тожик ва ўзбек халқлари ўзаро яқин тарихий ва маданий алоқаларга эга эканини таъкидлаб, улар бир-бири билан яқин муносабатда бўлганини қайд этади. Унинг фикрича, тожик халқининг тарихини ўрганиш Марказий Осиё халқлари анъанавий алоқаларини билишда ёрдам беради. Шу билан бирга, у “ўзбеку тожик халқининг маданият, урф-одат, санъат ва халқ ҳунармандчилиги хусусиятлари шунчалик яқин эдики, баъзан уларни ажратиш қийин бўларди¹⁰” эканини алоҳида таъкидлайди. И. Усмонов ҳам тожик ва ўзбекларнинг қадимдан дўстона муносабатларига эътибор қаратган ва “улар асрлар давомида бир-бирига дўст ва ака-ука бўлиб келган”¹¹ деб ҳисоблайди.

“Овози тожик” радиосининг ўзбек бўлимида тожик ва ўзбек классик ва замонавий адиблари ўртасидаги адабий алоқалар ва дўстлик мавзусига эътибор

¹⁰ Ғафуров Б. *Тожиклар: қадимий, ўрта аср ва замонавий тарих*. – Душанбе: Ирфон нашриёти, 1998. С.312.

¹¹ Усмонов, И. К. *Правда о таджиках / И.К. Усмонов*. – Душанбе, 2006. – С.3.

қаратилган, “Дўстлик”, “Пайванд”, “Тожикистон ва жаҳон” каби бир қатор дастурлар тайёрланиб, эфирга узатилган. Ушбу дастурларда ўзбек шоирларининг шеърлари кенг қўлланилган. Жумладан, тожикистонлик ўзбек шоири Ўлмас Жамолнинг ширу-шакар услубидаги шеърлари ва Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг шеърлари “Овози тожик” радиосида кўп эшитилади¹².

Тожик ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик ришталари Абдурахмони Жомий ва Алишер Навоий давридан бошланиб, асрлар давомида тожик ва ўзбек адиблари бу анъанани сиёсий вазиятдан қатъий назар доимо давом эттирдилар. Қалам аҳли нафақат тожик ва ўзбек дўстлиги мавзусида шеърлар ва дostonлар яратган, балки бир-бирларининг асарларини таржима қилиб, уларни танитишда ва дўстона алоқаларни сақлашда муносиб ҳисса қўшган. Академик Абдужаббор Раҳмонзода таъбири билан айтганда: “Тожиклар ва ўзбеклар икки халқдир, уларнинг барча ахлоқий қадриятлари, одоб-ахлоқ, маросим ва байрамлари умумийдир”¹³.

“Овози тожик” радиосининг ўзбек бўлимида “Мавлоно Абдурахмони Жомий ва Алишер Навоий дўстлиги”¹⁴ мавзусига бир неча бор тўхталиб, янги авлодни улардан ўрнак олишга ундайдилар. “Овози тожик” радиосининг ўзбек бўлимида Мавлоно Абдурахмони Жомий ва Алишер Навоий дўстлиги мавзуси бир неча мартаба алоҳида эшиттиришлар орқали ёритилган бўлиб, ушбу йўналишдаги дастурлар ёш авлодни икки буюк мутафаккирнинг маънавий мероси ва дўстлик анъаналаридан ўрнак олишга чорлашга қаратилган.

Хусусан, Алишер Навоий таваллуди муносабати билан 2022 йилда тайёрланган 40 дақиқалик махсус эшиттиришда мазкур мавзуга кенг ўрин

¹² «Овози тожик» ўзбек бўлими. – 2024. – 19 апрел.

¹³ URL: <https://jumhuriyat.tj/bahsho/1061-pajomi-dst-kitobi-safiri-toikiston-dar-toshkent-chop-shud.html>. кўрилган сана: 27.10.2025.

¹⁴ «Овози тожик» ўзбек бўлими. – 2022. – 20 март.

берилган. Ушбу дастурнинг муҳаррири ва бошловчиси сифатида Дурдона Расулова фаолият олиб борган¹⁵. Эшиттириш давомида Алишер Навоийнинг газаллари эфирга узатилган, улар бадиий ўқиш орқали тингловчиларга тақдим этилган.

Шу билан бирга, дастур доирасида Тожикистон ва Ўзбекистонда фаолият юритаётган навоийшунос олимлар билан суҳбатлар ташкил этилган. Уларда Алишер Навоий ва Абдурахмони Жомий ўртасидаги илмий-маънавий алоқалар, уларнинг адабий мактаб шаклланишига қўшган ҳиссаси ҳамда икки халқ маданий яқинлигини мустаҳкамлашдаги ўрни таҳлилий жиҳатдан ёритилган.

Ушбу эшиттиришлар орқали радиода нафақат тарихий шахслар мероси тарғиб қилинган, балки икки халқ ўртасидаги дўстлик, адабий-илмий ҳамкорлик ва умуммаданий қадриятлар ҳам кенг аудиторияга етказилган.

Дарҳақиқат, бу икки адиб тожик ва ўзбек халқлари учун муносиб хизмат қилган ва ҳозирги кунда ҳам халқлар дўстлигининг ёрқин намунаси сифатида қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Minority Rights Group International. Uzbeks in Tajikistan // <https://minorityrights.org/communities/uzbeks-3/>
2. WorldAtlas. Ethnic Composition of the Population of Tajikistan // <https://www.worldatlas.com/articles/ethnic-composition-of-the-population-of-tajikistan.html>
3. Emomali Rahmon. Официальные выступления и обращения. – Официальный сайт Президента Республики Таджикистан. Электрон манба: <https://www.president.tj/ru/node>

¹⁵ Муаллифнинг “Овози тожик” ўзбек бўлимидаги ўз фаолиятидан.

4. Shavkat Mirziyoyev. Расмий нутқлар ва чиқишлар. – Ўзбекистон Республикаси Президенти расмий веб-сайти. Электрон манба: <https://president.uz/uz/lists/category/5>
5. Саидзода Марзия «Овози точик» отпразднует 65-летие. С.29
6. Усмонов, И. К. Воситаҳои ахбори омма ва сиёсати хориҷии Ҷумҳурии Тоҷикистон / И.К. Усмонов. – Душанбе, 2003. – .23.
7. 25 қадам дар паҳнои олам. – Душанбе: Ирфон, 2016. – С.58.
8. Министерство иностранных дел Республики Таджикистан. Дипломатические отношения Республики Таджикистан с зарубежными государствами [Электрон ресурс]. – Кириш режими: <https://mfa.tj>
9. Саидзода Марзия, АМИТ «Ховар» Арзҳои дӯстӣ. Ўзбекистон- шарикӣ стратегӣ ва ҳампаймони боэътимоди Тоҷикистон [Манбаи электронӣ] – URL:<https://jumhuriyat.tj/bahsho/3346-arzoi-dst-zbekiston-shariki-strateg-va-ampajmoni-bojetimodi-toikiston.html>
10. Фафуров Б. *Тоҷиклар: қадимий, ўрта аср ва замонавий тарих.* – Душанбе: Ирфон нашриёти, 1998. С.312.
11. Усмонов, И. К. Правда о таджиках / И.К. Усмонов. –Душанбе, 2006. – С.3.
12. «Овози точик» ўзбек бўлими. – 2024. – 19 апрел.
13. URL: <https://jumhuriyat.tj/bahsho/1061-pajomi-dst-kitobi-safiri-toikiston-dar-toshkent-chop-shud.html>.
14. “Овози тожик” ўзбек бўлими. – 2022. – 20 март.
15. Муаллифнинг “Овози тожик” ўзбек бўлимидаги ўз фаолиятидан.